

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“ALFA LIFE INSURANCE” АЖ
Ягона акциядорининг 2022 йил
“13” июндаги қарори билан

«ALFA LIFE INSURANCE»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
УСТАВИ
(ЯНГИ ТАХРИРДА)

Тошкент-2022

Мазкур устав қонунчилик ва ўз таъсис ҳужжатлари асосида фаолият юритувчи «ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамиятининг асосий ҳужжати бўлиб, унинг асосий мақсади, вазифалари ва ички тартибини белгилайди.

1-МОДДА: УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. «ALFA LIFE INSURANCE» акциядорлик жамияти (келгусида матнда «Жамият» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни 39 моддаси талабларига биноан масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ALFA LIFE» суғурта ташкилотини қайта тузиш шаклида қайта ташкил этиш йўли билан хўжалик фаолияти юритиш ва фойда олиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунига мувофиқ ҳаётни суғурта қилиш соҳасида суғурталовчи фаолиятини амалга ошириш мақсадида тузилган.

1.2. Жамият масъулияти чекланган жамият шаклидаги «ALFA LIFE» суғурта ташкилотининг барча мулкӣ ва номулкӣ ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари бўйича ҳуқуқӣ вориси ҳисобланади.

1.3. Жамият устав фонди (устав капитали) акциядорларнинг Жамиятига нисбатан ҳуқуқларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган тижорат ташкилоти ҳисобланади.

1.4. Жамият қуйидаги ўзининг ташкилий-ҳуқуқӣ шакли кўрсатилган расмӣ фирма номига эга:

Ўзбек тилида тўлиқ фирма номи:	<i>«ALFA LIFE INSURANCE» aksiyadorlik jamiyati</i>
Ўзбек тилида қисқартирилган фирма номи:	<i>«ALFA LIFE INSURANCE» AJ</i>
Рус тилида тўлиқ фирма номи:	<i>Акционерное общество «ALFA LIFE INSURANCE»</i>
Рус тилида қисқартирилган фирма номи:	<i>АО «ALFA LIFE INSURANCE»</i>
Инглиз тилида тўлиқ фирма номи:	<i>«ALFA LIFE INSURANCE» Joint-Stock company</i>
Инглиз тилида қисқартирилган фирма номи:	<i>«ALFA LIFE INSURANCE» JSC</i>

1.5. Жамият номуайян муддатга ташкил этилган.

1.6. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, С.Азимов кўчаси Тўйтепа МФЙ рақамсиз уй. Индекс: 100047.

1.7. Жамиятнинг электрон почта манзили: alfalife@alfalife.uz

1.8. Жамиятнинг расмӣ веб-сайти: <https://www.alfalife.uz/>

1.9. Жамият ўзининг жойлашган жойи (почта манзили) ва электрон почта манзили ўзгарганлиги тўғрисида юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларни ёзма билдириш юбориш йўли билан, акциядорларни эса, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш йўли билан хабардор этиши шарт.

2. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Жамиятнинг ҳуқуқӣ мақоми Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги, уни ташкил этиш тўғрисидаги Таъсисчи қарори ва мазкур Устав билан белгиланади.

2.2. Жамият юридик шахсдир, у тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини молиялаш ва ўзини қоплаш асосида ҳаракат қилади.

2.3. Жамият Таъсисчининг мулки ҳисобланади. Жамиятнинг мулки бўлинмасдир, шу жумладан, Жамият ходимлари ўртасида тақсимланмайди.

2.4. Жамият ўз фаолиятининг белгиланган мақсадларига эришиш учун ўз номидан шартномалар тузиш, мулкӣ ҳуқуқларни сотиб олиш ва мажбуриятлар олиш, амалдаги

қонунчиликка мувофиқ экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш, суд даъвогар ва жавобгар бўлиш ҳуқуқига эга бўлади.

2.5. Жамият корхоналар, бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё, шунингдек бошқа кўчар ва кўчмас мулкни куриш, сотиб олиш, алмаштириш, сотиш, ижарага бериш ва ижарага олиш, қарзга олиш, текин олиш ёки ёллашга ҳамда агар улар едирилса ёки маънавий эскирса баланسدан чиқариш ҳуқуқига эгадир.

2.6. Жамият бошқа хўжалик жамиятлари ва ширкатларига Таъсисчининг розилиги билан бирлашишга ва уларнинг қатнашчиси бўлишга ҳақлидир.

2.7. Жамият думалок муҳр, ўз номи битилган бланклар, бурчакли тамға ва эмблема, товар белгиларига эга бўлади.

2.8. Жамият мустақил балансга ҳамда ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинмаган алоҳида мол-мулкка эга бўлади ва у тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўзини қоплаш ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш асосида иш кўради.

2.9. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, филиаллар ва ваколатхоналар ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Жамият, Таъсисчининг руҳсати билан, қонунчиликка асосан, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарисида ўзининг филиаллари ва ваколатхоналарини очиши мумкин.

Жамиятнинг филиал ва ваколатхоналари Жамият томонидан тасдиқланадиган низомлар асосида унинг номидан иш юритади.

2.10. Жамият шартномавий нархлар бўйича ёки мустақил белгиланадиган нархлар ёки тарифлар бўйича хизматлар кўрсатиши мумкин.

2.11. Жамият банкларда ўз ҳисобварақларига, шу жумладан чет эл валютасида ҳисобварақларига эга бўлади. Жамият банклардан қарз ва кредитлар олишга ҳақлидир.

2.12. Жамият ўз штатларини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва муқофотлаш тизимини мустақил ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, шунингдек ходимларни ёллайди. Жамият ўриндошлик ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида ишларни бажариш учун мутахассисларни жалб қилишга ҳақлидир.

2.13. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.14. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар киймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

Акцияларнинг ҳақини тўлиқ тўламаган акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар кийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексига, Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунига, Ўзбекистон Республикаси бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, Таъсисчининг қарор ва фармойишларига, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

3.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси жисмоний ва юридик шахсларига, чет эл жисмоний ва юридик шахсларига ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳаёт суғуртаси тармоғи ва шахсий суғурта соҳасида суғурта хизматларни кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.

3.3. Жамиятнинг асосий вазифалари кўйидагилардан иборат:

1) суғурта маҳсулотларини ривожлантириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг кенг қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш воситаларини такомиллаштириш;

2) халқаро стандартларга таянган ҳолда ҳаёт ва шахсий суғуртаси механизмларини ривожлантириш ва босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этиш;

3) маҳаллий, чет эл, халқаро, давлат ва хусусий суғурта ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш;

4) Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа вазифаларни амалга оширади.

3.4. Асосий вазифаларни бажариш учун Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

1) олинган лицензияга мувофиқ суғурта фаолиятини амалга ошириш;

2) инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

3) қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга ошириш;

4) суғурта (қайта суғурта) соҳасидаги мутахассислар малакасини ошириш билан боғлиқ фаолиятни амалга ошириш;

5) чет эл суғурталовчиларига сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

6) илгари суғурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суғурта шартномасини амалга ошириш натижасида ўз ихтиёрига ўтган мол-мулкни реализация қилиш ёки ижарага бериш;

7) Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш. Рўйхати қонунларда белгиланадиган айрим фаолият турлари билан Жамият фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин.

3.4. Жамият суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмас, амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4. ЖАМИЯТ ТАЪСИСЧИСИ, УНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Жамият ягона акциядори - таъсисчиси қуйидаги юридик шахсдир:

«ALFA INVEST sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2003 йил «24» июлда №188 реестр рақами билан давлат рўйхатига олинган ва 2014 йил «28» ноябрда №188 реестр рақами билан қайта рўйхатга олинган, почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Лабзак кўчаси, 10-уй.

4.2. Жамият акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;

- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;

- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан кўрикланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

4.3. Жамият акциядори қуйидаги мажбуриятларга эга:

1) мазкур Уставда назарда тутилган тартибда, миқдорларда ва муддатларда Жамият Устав фондини шакллантириш;

- 2) Жамият молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги махфий ахборотни, уни ривожлантириш истиқболларини ошкор қилмаслик;
- 3) Жамиятга нисбатан белгиланган тартибда ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариш;
- 4) Жамият фаолиятини амалга оширишда унга қўмаклашиш.

5. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ

5.1. Жамият унга мулк ҳукуки асосида тегишли бўлган мулкка эгалик қилади, ундан фойдаланади ва тасарруф этади. Жамият мулки унинг мустақил балансида акс эттирилган кўчар ва кўчмас мол-мулкдан, айланма ва банк ҳисобварағидаги маблағларидан иборат.

5.2. Жамият мулки қуйидаги манбалардан ташкил топади:

- 1) Таъсисчи томонидан тақдим қилинган пул маблағлари, акциялар ва бошқа мол-мулкдан;
- 2) Жамият молиявий-хўжалик фаолиятидан олинган фойдадан;
- 3) Жамият фаолиятида қўлланилувчи барча интеллектуал мулк ҳукукидан;
- 4) жисмоний ёки юридик шахслар томонидан тақдим қилинган бошқа мол-мулкдан;
- 5) банк ва бошқа кредиторларнинг кредитларидан;
- 6) жисмоний ва юридик шахсларнинг хайрияларидан;
- 7) ворислик ҳукуки асосида ҳамда айирбошлов ва ҳадя асосида қўлга киритилган мол-мулкдан;
- 8) қонунчилик билан таъқиқланмаган бошқа манбалардан.

5.3. Жамият мулкининг қиймати миллий валютада, чет эл ҳамда халқаро валюталарда акс эттирилиши мумкин.

5.4. Жамият ўз мулкига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқиқланмаган ҳамда Жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мос келувчи ҳар қандай битимлар тузиши мумкин.

5.5. Жамият ўз фаолиятини кенгайтириш, такомиллаштириш ҳамда ривожлантириш мақсадида акциялар жойлаштириш орқали юридик ва жисмоний шахсларнинг қўшимча пул маблағларини ва бошқа мулкларини жалб қилиши мумкин.

5.6. Жамият мол-мулкни тўлиқ хўжалик юритиш ҳукуки билан бошқаради. Жамият ушбу ҳуқуқни амалга оширад экан ўз фаолияти мақсадларига ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ўзига бириктирилган мол-мулкдан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

5.7. Жамият асосий воситаларни тўлиқ тиклаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меъёр ва қоидаларга асосан амортизация ажратмаларини амалга оширади.

6. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИНИ КўПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ

6.1. Жамият устав фонди 30 420 000 000,00 (ўттиз беш миллиард тўрт юз йигирма миллион) сўм 00 тийинни ташкил этади.

6.2. Жамият устав фонди 30 420 000 (ўттиз беш миллион тўрт юз йигирма минг) дона жойлаштирилалдиган оддий акциялардан иборат.

6.3. Ҳар бир оддий акциянинг номинал қиймати 1 000,00 (бир минг) сўм. Эълон қилинган оддий акциялар миқдори 50 000 000 (эллик миллион) дона.

6.4. Жамият акцияларининг 100 (юз) фоизи ягона акциядор - «ALFA INVEST sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамиятига тегишли:

Акциядор номи	Акциялар сони	Бир дона акциянинг номинал қиймати
«ALFA INVEST sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти	30 420 000	1 000,00 сўм

6.5. Жамиятнинг устав фонди (устав капитали) қонунчиликда белгиланган тартибда қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

Қўшимча акциялар фақат жамият уставида белгиланган, эълон қилинган акцияларнинг сони доирасида жамият томонидан жойлаштирилиши мумкин.

6.6. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар жамиятнинг олий бошқарув органи томонидан қабул қилинади.

6.7. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акцияларнинг ва имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ҳамда шартлари белгиланган бўлиши керак.

Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставига кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

6.8. Жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жалб қилинган инвестициялар, жамиятнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилиши мумкин.

6.9. Жамиятнинг устав фондини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда қўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айти ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав фонди кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, жамиятнинг устав фондини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

6.10. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

6.11. Жамиятнинг устав фондини акцияларнинг бир қисмини олиш ва бекор қилиш йўли билан камайтиришга йўл қўйилади.

6.12. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисидаги ва жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

6.13. Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

7. ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар ушбу Қонун ва жамият уставига бошқача қоида белгиланмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

7.2. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

7.3. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори жамият кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши акцияларнинг муайян турлари бўйича дивидендлар тўламаслик тўғрисида, шунингдек жамият уставига дивиденд миқдори белгилаб қўйилган имтиёзли акциялар бўйича тўлиқ бўлмаган миқдорда дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

7.4. Дивидендлар жамиятнинг жамият тасарруфида коладиган соф фойдасидан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

7.5. Жамият:

жамият устав фондининг ҳаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

агар дивидендлар тўланадиган пайтда жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

агар жамият соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

8. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

8.1. Жамиятнинг бошқарув органлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош директор.

9. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

9.1. Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

9.2. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

жамият уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини кўпайтириш;

жамиятнинг устав фондини камайтириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига қирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонуқчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

9.3. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади.

9.4. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади.

10. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

10.1. Жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонун ва жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

10.2. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар қиради:

жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, бундан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 65-моддасининг ўн биринчи қисмида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 59-моддаси биринчи қисмининг иккинчи хатбошисида назарда тутилган масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритиш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

жамиятнинг бошқарув аъзоларини (раисдан ташқари) сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси жамият кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

жамиятнинг шўъба ва тобе ҳўжалик жамиятларини ташкил этиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонунчиликда белгиланган тартибда тузиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- кузатув кенгаши ваколатларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

10.3. Қўйидагилар ҳам жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киради:

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш ва қарор қабул қилиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш), раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорларини белгилаш;

жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш.

Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш ҳам киритилиши мумкин.

10.4. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамиятнинг ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

10.5. Жамият кузатув кенгаши 3 (уч) кишидан иборат таркибда сайланади. Кузатув кенгашининг аъзолари жамият иштирокчилари умумий йиғилиши томонидан 1 (бир) йил муддатга қадар сайланадилар. Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган миқдорда қайта сайланиш мумкин.

10.6. Жамият ижро этувчи органининг аъзолари кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

10.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра жамият кузатув кенгашининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) кузатув кенгашининг аъзоси вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин. Бундай ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади.

11. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

11.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи – Бош директор томонидан амалга оширилади.

11.2. Жамият ижроия органининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

11.3. Жамиятнинг ижроия органи акциядорлар умумий йиғилишининг ва жамият кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

11.4. Жамиятнинг директори жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифодалайди, жамият номидан битимлар тузади, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлайди, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

11.5. Жамиятнинг ижроия органларини тузиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

11.6. Жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Жамиятнинг директори билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

11.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамиятнинг директори, бошқарув аъзолари билан тузилган шартномани улар шартнома шартларини бузган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

11.8. Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг директори, жамият бошқарувининг аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар жамият уставини кўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

12. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

12.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йил муддатга 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссияси сайланади.

12.2. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

12.3. Жамият тафтиш комиссиясининг фаолият кўрсатиш тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгиланади.

12.4. Жамият тафтиш комиссиясининг ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этиши шарт.

12.5. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

12.6. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш тафтиш комиссиясининг, акциядорлар умумий йиғилишининг, жамият кузатув кенгашининг ташаббусига кўра ёки жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг талабига кўра жамият кузатув кенгашини олдиндан хабардор қилиш йўли билан бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича амалга оширилади.

12.7. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш яқунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга ошириляётганда қонунчилик бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

12.8. Жамиятда ички аудит хизмати жамият кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

12.9. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонунчиликка, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда аке эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

12.10. Жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажарувчи жамият корпоратив маслаҳатчиси лавозимини жорий этилиши мумкин.

Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади.

13. ЖАМИЯТНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ. ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТ

13.1. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий ҳисобот тақдим этиши шарт.

13.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботлар, шунингдек жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик жамият ижроия органининг зиммасида бўлади.

13.3. Жамиятнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг ишончилиги мулкый манфаатлари жамият ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

13.4. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан ўн кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

Жамият Халқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган йиллик молиявий ҳисоботни у Халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудитдан ўтказилганидан кейин, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида икки ҳафта олдин эълон қилиши шарт.

13.5. Жамият:

жамиятнинг уставини, уставга киритилган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, жамиятни ташкил этиш тўғрисидаги қарорни, жамият давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳномани;

жамиятнинг ўз балансидаги мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни; акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамиятнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатларни;

жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси ҳақидаги низомни;

жамиятнинг йиллик ҳисоботини;

эмиссиявий қимматли қоғозларни чиқариш тўғрисидаги қарорларни;

акциялар эмиссияси рисоласини;

бухгалтерия ҳисобига доир ҳужжатларни;

тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларни;

жамият акциядорлари умумий йиғилишларининг, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек жамият директорининг буйруқларини;

жамиятнинг аффилланган шахслари рўйхатларини;

жамият акциядорларининг реестрларини;

жамият тафтиш комиссиясининг, аудиторлик ташкилотининг хулосалари ва ҳисоботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномаларини сақлаши шарт.

Жамият қонунчиликка ва жамият уставига мувофиқ бошқа ҳужжатларни ҳам сақлаши шарт.

13.6. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда ўзи тўғрисидаги ахборотни ошкор қилишни амалга ошириши шарт.

Акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган жамият фонд биржасининг расмий веб-сайтида жамият уставининг матнини, шу жумладан унга доир ўзгартиш ва қўшимчаларни, шунингдек ошкор этилиши мажбурий бўлган бошқа ахборотни қонунчиликда белгиланган тартибда эълон қилиши шарт.

13.7. Жамиятда жамият устав фондининг (устав капиталининг) ўн беш фоизидан кам бўлмаган миқдорда захира фонди ташкил этилади. Жамиятнинг захира фонди жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойдадан ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади. Ҳар йилги ажратмаларнинг миқдори жамият уставида белгиланган миқдорга етгунига қадар соф фойданинг беш фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг захира фонди жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

14. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

14.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

14.2. Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

14.3. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жамият ўз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади.

14.4. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқади.

Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

14.5. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

«ALFA INVEST sug'urta kompaniyasi» акциядорлик жамияти
Бош директори:

И.Ю.Ахметова _____

